

Араб хаттотлик санъати ЮНЕСКО мероси рўйхатига киритилди



15:30 / 15.12.2021 2351

Араб давлатларининг таълим-маданияти ва фан бўйича ташкилоти назорати остида 15 та араб давлатлари ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик юқори баҳоланди. Натижада араб хаттотлиги расман ЮНЕСКОнинг маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Хаттотлик санъати диний матнлардан ташқари, бутун тарих давомида араб тилининг ривожланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Асрлар давомида араб маданияти, урф-одатлари ва диний қадриятларини етказиш ва тарқатишда хаттотлик санъати катта аҳамият касб этади.

Хаттотлик санъати ҳозирги кунда ҳам машҳур бўлиб, рассомлар ва дизайнерлар томонидан турли хил оммавий ахборот воситаларида, расмларда қўлланилмоқда.

Қиролликка ташриф буюрувчилар Нажрон яқинидаги Ал-Ула ва Бир Химада тарихий обидалар, қадимий ёзувлар ва араб матнининг дастлабки шакллари кўришлари мумкин.

Саудия Арабистонининг Маданият вазири, шаҳзода Бадр ибн Абдуллоҳ ибн Фархон ЮНЕСКО баёнотини шарҳлар экан, шундай дейди: «2020-2021 йилларда Маданият вазирлиги хаттотлик санъати турини сақлаб қолиш устида керакли муҳим ишларни олиб борди. Бу қиролликнинг араб

хаттотлиги ва санъатининг глобал маркази сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади».

Хуршид Маъруф тайёрлади